*Истиқлол шарофати*



# ДЕҲҚОН ФАРЗАНДИ КАМОЛИ

Ҳозирги кунда Чортоқ шаҳридаги Бурхонбой Ҳусаинов кўчасида жойлашган Мухторжон Дадамирзаевнинг оиласини ҳамма танийди, уларга чин дилдан ҳавас қилади. Боиси, катта хонадон фарзанди, ўқитувчилар, деҳқонлар сулоласида вояга етган Улуғбекжон АҚШнинг Миннеаполис шаҳри (Минисота штати)даги мактабда ўқиш бахтига мушарраф бўлганидир.

Улуғбек ёшлигиданоқ инглиз тилини чуқур ўзлаштиришга киришди. Ўқитувчиси Мунавварxон Одилова ундаги иқтидорни пайқаб, ўсмирга эътиборни кучайтирди. Яхшилар ёрдамида Улуғбек 9-синфни тамомлаб Чортоқдаги вилоят иқтидорли болалар махсус мактаб — интернати (лицей)нинг талабаси бўлди. Билимга чанқоқлиги, интилувчанлиги туфайли тез орада назарга тушди. Шу даргоҳнинг 11-синфида ўқиётиб Американинг «Акселс» деб номланаган мустақиллик ва тинчликни қўллаб-қувватловчи халқаро ташкилот томонидан ўтказилган кўп босқичли синовлардан муваффақиятли ўтиб, инглиз тилини пухта эгаллаганлигини намойиш этди. Улуғбек Дадамирзаев Миннеаполис шаҳридаги йирик иқтидорли мактаблардан бирида ўқиш ҳуқуқини қўлга киритди. Хушхабар барча чортоқликларни хушнул этди.

Чортоқлик иқтидорли ўсмир бахт кулиб боққанлигидан қувониб пухта билим олиш учун бор имкони билан киришди. Қарангки, у таълим олаётган даргоҳ мамлакат раҳбарларининг доимий диққат-эътиборида экан. Бир куни Улуғбек Дадамирзаев ҳаётида яна бир қувончли воқса содир бўлди. У аълочи ўқувчилар қаторида Вашингтон шаҳрига борди. У ерда АҚШ Президенти Билл Клинтон билан учрашувда иштирок этиш насиб этди. Ўша унутилмас кунда наманганлик талаба сўз олиб, соф инглиз тилида Ўзбекистон ҳақида, истиқлол бераётган имкониятлар хусусида ҳамда ҳурматли Президентимиз ёш авлод тўғрисида кўрсатаётган катта ғамхўрликлар борасида мароқ билан гапирди. Ўзбекистон билан Америка ўртасидаги ўзаро алоқалар кучайиб бораётганлигини мамнуният билан таъкидлади. Шунда АҚШ Президенти унга қойил қолиб қўлини маҳкам сиққанича ўқишда, келажак ишларида катта муваффақиятлар тилади.

Бу Ўзбекистон ёшларига истиқлол берган катта имконият, улуғ бахтни кўрсатувчи ёрқин мисолдир!

**А.ҚОРАБОЕВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

* * *

**Суратда: АҚШ Президенти Билл Клинтон чортоқлик ўқувчи Улуғбек Дадамирзаевни ўқишдаги муваффақиятлари билан қутламоқда.**

## УЛКАН ТЎЙГА ҲОЗИРЛИК

Фарғона вилояти шаҳар ва туманларида истиқлолнинг тўрт йиллигига ҳозирлик қизғин тус олди. Қутлуғ сана кунларида кўпгина корхоналар, турар-жой, ўқув бинолари фойдаланишга топширилади. Қўқон шаҳридаги спирт заводи, Тошлоқ туманидаги мебель фабрикаси шулар жумласидандир. Шунингдек, мактаблар, саноат ва савдо корхоналари, йирик маданий-маиший иншоотларни ўз ичига олган гузарлар, қишлоқ маданият марказларининг эшиклари кенг очилади.

Вилоят шаҳар ва туманлари ўртасида ҳозирдаёқ кўрик-танловлар бошланиб кетди. «Туркистон — умумий уйимиз» театрлаштирилган томоша ва концертлари байрам тадбирларининг асосий мавзуи бўлади.

## ОТАЛИҚ ЁРДАМИ

Гулбоғ пахта тозалаш заводи Мингбулоқ туманидаги ўзи оталиққа олган 30-мактабга қарийб бир миллион сўм ажратди. Бу маблағнинг асосий қисми мактабни қайта таъмирлашга сарфланди.

Наманган вилоятидаги 600 дан ортиқ мактаб, интернат, мактабдан ташқари муассасаларни таъмирлашда бошқа корхона, ташкилот, хўжаликлар ҳам ёрдам бермоқда. Шунингдек, кейинги пайтда хусусий фирмалар, кичик корхоналар ҳам бундай муассасаларни оталиққа ола бошлади. Мисол учун, Мингбулоқ туманидаги «Осиё» фирмаси, Уйчи туманидаги «Уйчи» фирмаси ўз оталиқларидаги мактабларни саноқли кунлар ичида таъмирлаб берди.

Анчагина бола ўқишни янги мактабларда бошлайди. Сентябрда 5,5 минг ўқувчига мўлжалланган 11 та янги мактаб очиш кўзда тутилмоқда. Наманганнинг аҳоли зич яшайдиган даҳаларидан бирида 280 ўринлик болалар боғчаси ҳам ишга туширилади.

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ УЧУН

Республикамиз ҳаётидаги муҳим воқеа — 2-9 сентябрь кунлари бўлиб ўтадиган биринчи Марказий Осиё ўйинлари арафасида пойтахтимизга дўстларимиздан совғалар келмоқда. Мисол учун, Жанубий Корея олимпиада қўмитаси боксчилар қўлқопи билан таэквандочилар учун либос юборди. Шу мамлакат дзюдо федерацияси эса, волейбол тўплари, биринчи Макразий Осиё ўйинлари рамзи туширилган икки мингта нишон ва рўйхатдан ўтиш белгиларини совға қилди.

Хитой олимпиада қўмитаси юзтадан волейбол, баскетбол, футбол тўпи, 300 жуфт спорт пойабзали, баскетбол бўйича Ўзбекистон терма командаси учун либослар юборди.

Халқаро олимпиада қўмитаси биринчи Марказий Осиё ўйинларини ўтказиш учун 100 минг Америка доллари ажратди.

Жанубий Корея олимпиада қўмитаси бу ўйинлар учун компьютер факслар етказиб беришини маълум қилди. Шунингдек, Сингапур миллий олимпиада қўмитаси ҳам ўйинларни ўтказишда ёрдам беришга ваъда қилган.

**(ЎзА).**

## Қутлаймиз

**Муҳтарам волидамиз София Тоирова!**

Сизни қутлуғ 63 ёшингиз билан чин дилдан муборакбод этиб, узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз. Фарзандларингиз — Дилором, Валижон, Мухтарам, Туйчивойларнинг ушбу табрикномасига барча қавму қариндошлар ҳам тилакдош булишиб, эзгу ниятларини билдиришларига шак-шубҳа йуқ. Доимо соғу саломат булиб, Қуйи Чирчиқ тумани Ҳамза номли жамоа хўжалигидаги хонадонимизда невара ва чевараларнинг қуршовида хушчақчақ юришингизни ният қиламиз.

**Қадрли Нуриддин ва Ҳуснидин Насриддиновлар!**

Сизларни таваллуд топган кунларингиз муносабати билан дўстингиз Ҳусанбой Аввалов ва бошқа қадрдонларингиз номидан йўлланаётган ушбу табрикномани қабул этинглар. Сизларга яхши кайфият, сиҳат-саломатлик тилаб, Урта Чирчиқ тумани Кучлик станциясидаги хонадонларингиздан қут-барака аримаслигини ният қилиб қоламиз.


**ТАШКИЛОТ**

**Пул ўтказиш йўли билан Д 8237, ДА 8237, ДБ8237 русумидаги пресслаш асбоб-ускуналарининг эҳтиёт қисмларини Тошкентдаги омборлардан**

**СОТИБ ОЛИШНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ**

**Алоқа учун телефонлар: 45—55—65; 45—70—65**

**Телефакс: 45-56-65**

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ, ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкентдаги ташкилот 76, 159, 219 диаметрли қувурларни, «Лочин» болалар велосипедларини, «Белорусь» трактори учун «Д-243» двигателларини, КАМАЗ автомашинасига аккумуляторларни

СОТИБ ОЛИШНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

**Нархлар бозорникидан арзон.**

**Мулоқот учун телефонлар: 33-44-43, 36-54-54, 36-54-44,**

**«САОДАТ» БОШ ДЎКОНИДАГИ ЖАҲОН БОЗОРИГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!**

Бу ерга Италия, Германия, Болитқбўйи, Эрон, Тайван, Сурия, Туркия ва бошқа кўплаб чет эл мамлакатларидан ётоқхона гарнитуралари, йиғма диванлар, идора кресло ҳамда ёзув столлари, тюль пардалар, мебель матолари, болалар ўйинчоқлари, рўзғор буюмлари, турли хил озиқ-овқат маҳсулотлари пешма-пеш келтирилиб, сотувга чиқарилмоқда.

Ҳар бир маҳсулотнинг ўн ва йигирмадан ошиқ тури бор, рангларининг истаган хилидан топилади.

Фақат нақд пулга сотилади.

**Манзилгоҳ: Тошкент, Усмон Носир кўчаси, 53-уй. (Аввалги Фрунзе савдо маркази).**

**Телефонлар: 55-39-75, 55-52-00.**

**ХИТОЙДА ТАЙЁРЛАНГАН ЭЛЕКТР ТЕГИРМОНЛАР СОТИЛАДИ**

Ўзига хос кичик цех вазифасини ўтовчи ушбу қурилмалар мажмуасида ғалла тозалаб ювилади, қуритилади ва олий ҳамда биринчи нав ун чиқарилади. Тегирмон технологияси ва тайёрланган маҳсулот энг замонавий талабларга жавоб беради.

**Тегирмонга маблағ ўтказиш ёки нақд пул билан ҳисоб-китоб қилинади.**

**Телефонлар: 33-44-43, 90-02-42.**


## БИЛДИРИШ

Тошкент қишлоқ хўжалик институти иқтисодиёт факультетини 1975 йилда битирганларнинг учрашуви шу йил 12 август соат 15.00 да Тошкент шаҳрининг Мустақиллик майдонидаги фаввора яқинида дийдорлашувдан бошланади.

**Ташкилий қўмита.**


*«МУСТАҚИЛЛИК» ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ*

**«МУСТАҚИЛЛИК» пул-буюм лотереясини сотиб олиб, Сиз катта ютуқ соҳиби бўлишингиз мумкин.**

**Ютуқлар тиражида автомобиллар, телерадио-аппаратуралар, мебель тўпламлари, электржиҳозлар, кир ювиш машиналари ва бошқа турдаги халқ истеъмоли моллари ўйналади.**



**Лотерея билетларини Жамғарма банкининг барча муассасаларида, алоқа бўлимларида, савдо ташкилотларида ҳамда жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.**

**Лотерея билетининг баҳоси 10 сўм.**

*Ютуқлар тиражи 1995 йил 29-30 август кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади. Тўлиқ маълумотларни Жамғарма банкининг исталган муассасасидан, алоқа бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 33-51-95; 45-35-49; 45-66-43.*

**СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!**

**МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, МАРКАЗИЙ БАНК, ЖАМҒАРМА БАНК, АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКСАВДО, ЎЗБЕКБИРЛАШУВ.**



Бош муҳаррир Неъмат ЁҚУБОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Расулмат ҲУСАНОВ, Мирзажон ИСЛОМОВ, Маҳмуд МИРЗАЕВ, Эрқул ЗИКРИЁЕВ, Сиддиқжон МУҲАМЕДЖОНОВ, Мирғиёс ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Суннатилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ҒОФУРОВ (масъул котиб), Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

МУАССИС: «ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ» УЮШМАСИ

ҲОМИЙ: «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-ширкат қўмитаси

«Қишлоқ ҳаёти» — «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг вориси

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб — 33-09-93. Масъул котиб ўринбосари — 36-56-25. Деҳқончилик бўлими — 36-56-35, 36-54-51,33-09-93. Қайта ишлаш саноати бўлими — 36-56-31. Ижтимоий ҳаёт бўлими — 36-56-34. Чорвачилик бўлими — 36-56-22. Мелиорация ва қишлоқ қурилиши бўлими — 36-56-33. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими —36-56-36, 33-09-93. Ахборот ва спорт бўлими — 36-54-54. Шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 36-54-49, 36-54-52. Безатиш бўлими — 36-58-79.

Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 6. Буюртма Г—0288, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 20.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.

1 2 3 3 4 6.